СУБЪЕКТИВ ДЕТЕРМИНАНТЛАРНИНГ ШАХС ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИРИ МАСАЛАСИ

ВЛИЯНИЕ СУБЪЕКТИВНЫХ ДЕТЕРМИНАНТОВ НА ФОРМИРОВАНИЕ ЛИЧНОСТИ

INFLUENCE OF SUBJECTIVE DETERMINANTS ON PERSONAL FORMATION

Mahmud A. MAJITOV

Director of the Surkhandarya regional branch of the Center for Advanced Studies at the International Islamic Academy of Uzbekistan, Doctor of Philosophy (PhD)

mazhitov1981@inbox.ru

Shimoliy darvoza, 3, Termez, Uzbekistan

DOI: 10.47980/IIAU/2021/4/10

Аннотация: *Мақолада шахс ижтимоий моҳияти, шаклланиши қонуниятлари, жамият ва шахс ўртасидаги алоқадорлик муаммолари таркибий-функционал таҳлил қилинган, унинг ўзига хос ривожланиш хусусиятлари очиб берилган.*

Бугунги ижтимоий тараққиётнинг ижтимоий ва салбий жиҳатлари, фан ва техника ривожи, инсон интелектуал салоҳиятининг юксалиши шахс муаммосига эътиборни янада кучайтирмоқда. Мураккаб тараққиёт, кескин ўзгаришлар инсон, жамият ва табиат муносабатларида кескин ўзгаришлар содир бўлди ҳамда бу борада ижтимоий тадқиқотлар олиб бориш зарурати пайдо бўлди. Чунки, инсон шахсини жамият манфаатлари, ижтимоий тараққиёт талабларига монанд равишда камол топтириш учун энг аввало, постмодерн жамият ва инсон шахси ўртасидаги диалектик алоқадорликни, Ўзбекистонда замонавий социум тенденциялари таъсирида инсон шахсида юз бераётган ўзгаришларни ҳар томонлама тадқиқ қилиш зарур бўлади. Тубдан фарқ этадиган ўзига хос хусусиятларни акс эттиргани туфайли бугунги давр аввалгисидан ажралиб туради. Бугунги постмодерн даври инсоннинг онг ижоди маҳсули бўлгани учун ҳам жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий мезонларини белгилайди, яъни шахс ва жамиятнинг ўзаро таъсири объект ва субъектнинг трансформациясини ҳаракатга келтиради. Шу муносабат билан шахс шаклланишига таъсир кўрсатувчи объектив ва субъектив детерминантларни ўзига хос жиҳатларини аниқлаш ва тадқиқ қилиш долзарб ижтимоий-фалсафий муаммога айланмоқда. Дарҳақиқат шахс шаклланишининг икки асосий детерминанти мавжуд бўлиб, улар: а) объектив шарт-шароитлар (ижтимоий муҳит); б) субъектив омиллар (бир мақсадга йўналтирилган таълим-тарбия, миллий ғоя, ўз-ўзини тарбиялаш жараёни)дир.

Шахс шаклланишини ижтимоий-фалсафий моҳияти очиб берувчи мулоҳазалар, тахминлар, фаразлар, факт ва аргументлар кўплаб мавжуд. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам илм-фан платформасида шакллантирилмаган. Мазкур мақолада муаммо илм-фан нуқтаи-назаридан ва тўғри назарий-методологик позициядан тадқиқ этилган. Мақолада воқелик ҳодисаларининг алоқадорлиги ва ўзаро шартланганлиги ҳақидаги таълимотдан яъни детерминизмдан келиб чиққан ҳолда инсон шахси шаклланиши масалалари ёритиб берилган. Яъни, инсон шахсининг ривожланиши жараёнига таъсир кўрсатувчи детерминантларни аниқлаш ва таҳлил қилиш орқали муаммонинг ечими таҳлил қилинган. Мақолада шахс шаклланишига таъсир кўрсатувчи субъектив омиллар: таълим, тарбия, миллий ғоя тарғиботи, ўз-ўзини тарбиялаш, адабиёт ва санъат каби муҳим детерминантлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар*: инсон, шахс, баркамол инсон, комил инсон, гармоник шахс, детерминант, ижтимоий муҳит, объектив омил, субъектив омил, таълим, тарбия, миллий ғоя, ўз-ўзини тарбиялаш, санъат, адабиёт.*

Аннотация: *В статье дается структурно-функциональный анализ социальной сущности личности, закономерностей ее формирования, проблематики взаимоотношений общества и личности, раскрываются особенности ее развития.*

Социальные и негативные аспекты современного общественного развития, развитие науки и технологий, рост интеллектуального потенциала человека усиливают внимание к проблеме личности. Сложные разработки, драматические изменения во взаимоотношениях между человеком, обществом и природой, в свою очередь, говорят о необходимости социальных исследований в этом отношении. Для развития человеческой личности в соответствии с интересами общества, требованиями общественного развития, прежде всего, необходимо изучить диалектические отношения между постмодернистским обществом и личностью, изменениями в человеческой личности в Узбекистане в условиях современных социальных тенденций. Сегодняшний постмодернистский период является продуктом человеческого творчества, он определяет социально-экономические, духовные и культурные критерии общества, то есть взаимодействие личности и общества движет трансформацией объекта и субъекта. В связи с этим выявление и изучение конкретных аспектов объективных и субъективных детерминант, влияющих на формирование личности, становится актуальной социально-философской проблемой. В самом деле, есть две основные детерминанты формирования личности: а) объективные условия (социальная среда); б) субъективные факторы (целевое образование, национальная идея, процесс самообразования).

Существует множество мнений, предположений, гипотез, фактов и аргументов, раскрывающих социально-философскую сущность становления личности.

Однако не все они сформированы на научной платформе. В данной статье проблема исследуется с научной и с правильной теоретико-методологической точки зрения. В статье рассматривается формирование

личности человека на основе учения о взаимосвязанности и взаимозависимости событий. То есть решение проблемы анализируется путем выявления и анализа детерминант, влияющих на процесс развития личности человека. В статье анализируются важные детерминанты субъективных факторов, влияющих на формирование личности: образование, воспитание, продвижение национальной идеологии, самообразование, литература и искусство.

Ключевые слова: *человек, личность, идеальный человек, гармоничный человек, детерминант, социальная среда, объективный фактор, субъективный фактор, образование, воспитание, национальная идея, самовоспитание, искусство, литература.*

Abstract: *The article provides a structural and functional analysis of the social essence of an individual, the patterns of its formation, the problems of relationships between society and the individual, reveals the features of its development.*

Social and negative aspects of modern social development, the development of science and technology, the growth of a person's intellectual potential increase attention to the problem of personality. Complex developments, dramatic changes in the relationship between man, society, and nature, in turn, indicate the need for social research in this regard. It is necessary to study the dialectical relations between postmodern society and the individual, changes in the human personality in Uzbekistan in the context of modern social trends. Today's postmodern period is a product of human creativity. It determines the socioeconomic, spiritual, and cultural criteria of society. In this regard, the identification and study of specific aspects of objective and subjective determinants that affect the formation of personality become an urgent socio-philosophical problem.

We point out two main determinants of personality formation: a) objective conditions (social environment); b) subjective factors (education, national idea, self-education).

There are many opinions, assumptions, hypotheses, facts, and arguments that reveal the social and philosophical essence of the formation of an individual. However, not all of them are formed on a scientific platform. We investigated the problem from a scientific and the correct theoretical and methodological point of view. The article examines the formation of an individual's personality based on the doctrine of the interconnectedness and interdependence of events.

The solution to the problem is analyzed by identifying and analyzing the determinants that affect human personality development. In this article, we analyze crucial determinants of subjective factors influencing the formation of personality: education, upbringing, promotion of national ideology, self-education, literature, and art.

Keywords: *person, personality, ideal person, harmonious person, determinant, social environment, objective factor, the subjective factor, education, upbringing, national idea, self-education, art, literature.*

КИРИШ

Инсон борлиғи билан боғлиқ фалсафий муаммолар асрлар давомида мутафаккирлар, олиму фузалоларнинг диққат марказида бўлиб келгани бизга маълум. Бу муаммолар туркумида унинг ижтимоий моҳиятига доир масалалар алоҳида ўрин тутган. Шу муносабат билан фалсафа тарихида инсон ва жамиятнинг ўзаро алоқадорлиги, улар ўртасидаги муносабатлар, инсоннинг жамиятдаги ўрни ҳақидаги турли ғоялар илгари суриб келинди. Илмий мулоҳазалар фалсафий антропологияни шахс ҳақидаги назарий билимлар билан бойитди. Бироқ ўтган асрнинг иккинчи ярми ва янги асрнинг бошларида кишилик жамиятида юз берган туб ўзгаришлар, хусусан, ижтимоий тараққиётнинг ижтимоий ва салбий жиҳатлари, фан ва техника ривожи, инсон интелектуал салоҳиятининг юксалиши шахс муаммосига эътиборни янада кучайтирмоқда.

Инсон шахсининг ижтимоий моҳияти, шаклланиши қонуниятлари, жамият ва шахс ўртасидаги алоқадорлик муаммолари ижтимоий фалсафанинг доимо ўрганиб келинган масалалари туркумига киради.

Шахс – инсон ва жамият кесишган чорраҳаким, унинг турли фаолиятларидан инсоният тарихи таркиб топади. Мазкур тушунча, бир томондан, инсон ижтимоий, маънавий, маданий ривожининг даражасини акс эттирса, иккинчи томондан, унинг ихтиёрини, ўзига хослигини англатади.

УСЛУБЛАР

Инсон шахси мутлақо ўзгармас феномен эмас. Унинг таркибидан жой олган элементлар инсоннинг бутун умри давомида шаклланиб ва такомиллашиб боради. Ушбу жараён ўз-ўзидан, стихияли равишда кечмайди, албатта. Шахс таркибий элементлари турли шарт-шароит, омил, воқеа ва ҳодисалар таъсирида ривожланади. Инсон шахси табиатини мазкур шарт-шароит ва омиллар таъсиридан холи ҳолда талқин қилиш бирёқлама, илмий асосланмаган ва объективликдан йироқ хулосаларга олиб келади. Бинобарин, шахснинг ижтимоий моҳияти ҳақида мулоҳаза юритганда унинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Масаланинг фавқулодда муҳим, тарбиявий-мафкуравий аҳамияти ҳам мавжуд: шахснинг шаклланишига таъсир кўрсатадиган шарт-шароитлар ва омиллар ҳақидаги илмий-фалсафий хулосалар унинг ижтимоий қиёфасини мақсадга мувофиқ ҳолда ўзгартириб бориш имконини беради.

Замонавий фалсафа, психология ва педагогикада шахснинг шаклланиши ва ривожланиши жараёни детерминизм принципи нуқтаи назаридан тадқиқ қилинмоқда. Бизга маълумки, детерминизм – воқелик ҳодисаларининг алоқадорлиги ва ўзаро шартланганлиги ҳақидаги таълимотдир. У нарса ва ҳодисаларни концептуал ва таркибий таҳлил

қилиш билан чекланмасдан, уларни воқеликдаги бошқа жараёнлар билан алоқадорликда ўрганиш зарурлигини уқдиради.

Детерминизм ҳақидаги тасаввурлар илмий услуб таркибига киради – бу тасаввурлар тадқиқотни турли шарт-шароит, сабаб ва қонуниятлар, табиат, жамият ва тафаккурдаги ҳар қандай ўзгаришларни аниқлаш ҳамда таҳлил қилиш асосида амалга оширишга ундайди. Детерминизм асосини эса сабабият ва қонуниятлар концепцияси ташкил этади. (Степин & Семигин, 2010, стр. 631)

Файласуфлар (Чориев С. , 2004, стр. 140) психологлар, педагоглар шахс шаклланиши ва ривожланиши жараёнини детерминизм принципи позициясидан тадқиқ қилар эканлар, бу жараёнларга таъсир кўрсатадиган турли детерминантларни тилга оладилар (Сабирова Н, 2011, стр. 124). Файласуфлар, психологлар, педагоглар шахс шаклланиши ва ривожланиши жараёнини детерминизм принципи позициясидан тадқиқ қилар эканлар, бу жараёнларга таъсир кўрсатадиган турли детерминантларни тилга оладилар (Шермуҳаммедова , 2016, стр. 12-96). Хусусан М.Арипова ўз ишида шахс жамиятда ўз ўрнини топишида оиланинг ўрнини таҳлил қилади (Арипова, 2014, стр. 55-60). С.Комиссаренконинг ишида эса шахс шаклланиши концепциялари, институтлари, технологиялари ҳақида фикр юритилади (Комиссаренко, 2013). Тадқиқотчи И.Суванов эса ўз диссертациясида шахсни маънавий юксалишида миллий ғоя ва ўзликни англаш диалектикасига тўхталиб ўтади (Суванов, 2018, стр. 3-20). Тадқиқотчи Н.Умарова эса шахснинг иқтисодий ижтимоийлашувида ижтимоий-психологик омиллар ҳақида илмий тадқиқот олиб борган (Умарова, 2018, стр. 3-19). Тадқиқотчи А.Махмудова замонавий фуқаролик жамиятида шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувининг ижтимоий-фалсафий таҳлили ҳақида ўз тадқиқотларини олиб борган (Махмудова, 2021, стр. 4-21). Бу детерминантлар фаннинг хусусияти ва тадқиқот объектидан келиб чиққан ҳолда турли таркибда баён этилади, албатта. Биз шахс шаклланиши детерминантларини ижтимоий фалсафа нуқтаи назаридан таҳлил қиламиз.

Бу детерминантлар фаннинг хусусияти ва тадқиқот объектидан келиб чиққан ҳолда турли таркибда баён этилади, албатта. Биз шахс шаклланиши детерминантларини ижтимоий фалсафа нуқтаи назаридан таҳлил қиламиз.

Инсон шахсининг шаклланиши муайян шарт-шароит ва вазиятда, айни пайтда аниқ мақсадга йўналтирилган онгли фаолият давомида содир бўлади. Бунинг устига, мазкур шарт-шароит ва онгли фаолият шахсга алоҳида-алоҳида, навбатма-навбат эмас, узвий алоқадорликда таъсир кўрсатади. Бу мулоҳа-задан иккита муҳим хулоса чиқариш мумкин: биринчидан, инсон шахси шаклланишининг муҳим детерминантлари объектив шарт-шароитлар, субъектив омиллар билан боғлиқ; иккинчидан эса, ушбу шарт-шароит ва омилларнинг шахсга таъсири яхлит жараёндир. Бунда объектив шарт-шароит ва субъектив омил вазифасини инсон онгига таъсир ўтказишга қодир бўлган турли вазиятлар, ҳолатлар, жараёнлар ўташи мумкин.

Инсон шахсининг шаклланишига объектив шарт-шароитлар таъсири билан бир қаторда субъектив омиллар ҳам мавжуддирки, улар туркумига бир мақсадга йўналтирилган таълим ва тарбия, миллий ғоя, ўз-ўзини тарбиялаш жараёни киради. Мазкур омиллар ичида таълим ва тарбия алоҳида аҳамиятга молик. Таълим – шахсда билим, малака, кўникма, қадриятларни вужудга келтиришга қаратилган ва муайян мақсадга мувофиқ тарзда йўналтирилган жа-раёндир. У шахснинг қарор топишига энг салмоқли таъсир ўтказадиган омил-дир, чунки айнан унинг давомида шахснинг асосий ақлий ва жисмоний имкониятлари ривожланади.

Профессор А.Чориев томонидан мустақил шахснинг қарор топиши жараёнларига ҳозирги замон цивилизациясининг таъсири ҳар томонлама ўрганилиб, шахс социлизация жараёнининг маҳсули эканлиги асослаб берилган. Шунингдек мустақил фикрлаш – шахс мустақиллигининг асоси сифатида тадқиқ этилган (Чориев А. , 2002, стр. 272).

Бундан ташқари олим инсон шахси тўғрисидаги фалсафий фикрлар тараққиёти ҳақида, инсоннинг антропосоциогенез жараёнининг маҳсули сифатида табиийлик ва ижтимоийлик моҳиятининг мавжудлиги, инсон ҳаётининг мазмун-моҳияти хусусида ўз фикрларини билдириб ўтган (Чориев А. , 2007, стр. 414).

Кундалик турмушда одатда таълим деганда ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги мулоқот назарда тутилади, холос. Аслида таълим жараёни бирмунча мураккаб жараёндир. Чунки, биринчидан, у турли субъектлар томонидан амалга оширилиши мумкин. Иккинчидан, таълим жараёни инсоннинг бутун умри мобайнида давом этадиган узлуксиз жараён ҳисобланади. Учинчидан, таълим шахснинг ўзи томонидан турли воситалар ёрдамида мустақил равишда олиб борилиши мумкин. Бироқ қайси субъект томонидан, инсон умрининг қайси босқичида, қайси таъсир услублари ва усуллари, омиллари ва воситалари, тамойиллари ва императивлари ёрдамида ташкил этилишидан қатъи назар, таълим инсон интеллектуал имкониятларини кенгайтирувчи, уни шахс сифатида вояга етказувчи қудратли омиллигича қолаверади.

Узлуксиз таълим шахсни ижтимоий-гуманитар, табиий-илмий, аниқ ва техникавий билимлар билан қуроллантиради.Уларнинг инсон шахси шаклланишига таъсири турлича кечади. Масалан, ижтимоий ва гуманитар билимлар шахс ҳаётий мақсадлари, идеаллари, қадриятлари, эҳтиёжлари ва манфаатлари характерини шакллантиради. Аниқ ва табиий-илмий билимлар эса илмий дунёқарашни вужудга келтиришда катта аҳамият касб этади. Инсоннинг у ёки бу билим соҳасидан бехабар қолиши унинг шахс сифатида шаклланишига путур етказади. Бинобарин, ҳар қандай жамиятда узлуксиз таълим шахсга турли соҳаларга оид билимларни мутаносиб равишда етказишга йўналтирилмоғи даркор.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ҳар қандай таълим жараёни ҳам шахсни камол топтириш омили бўлавермайди. Тоталитар жамият шароитида таълим жараёни ҳаддан зиёд мафкуралаштирилгани боис шахсни шаклланти-рувчи эмас, инсонни шахссизлаштирувчи, уни ўзгаларга ўхшаш ижтимоий мавжудотга айлантирувчи омилга айланади. Биз Совет ҳокимияти йилларида бундай ҳолатнинг гувоҳи бўлган эдик. Бугун ҳам инсоннинг шахссизлашувига хизмат қиладиган таълим тизими жаҳоннинг айрим мамлакатларида учраб туради.

Таълим жараёни уқувсиз, уни яхлит ҳолда тасаввур этишга қодир бўлмаган субъектлар томонидан ташкил қилинаётган жамиятда эса таълимнинг сохталашуви содир бўладики, у инсон шахсининг шаклланишига халал берувчи тўсиқ вазифасини ўтай бошлайди. Бинобарин, инсоннинг таълим олишга бўлган ҳақ-ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга хизмат қиладиган, гуманистик ғоялар асосида ташкил этилган таълим жараёнигина шахсни қарор топтирувчи омил сифатида тан олиниши мумкин. Хусусан, Ҳ.Тўйчиеванинг “Шахс ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий таълим” монографиясида шахсда ҳуқуқий онгни шакллантиришда ҳуқуқий таълимнинг ўрни, ҳуқуқий онгни шакллантиришнинг назарий асослари, моҳияти, шахс ҳуқуқий психологияси ва мафкурасига хос хусусиятлар, шахс ижтимоий-ҳуқуқий фаоллиги масалалари ёритилган (Тўйчиева, 2010, стр. 100).

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида ижод қилган Марказий Осиё мутафаккирлари инсон шахсининг шаклланиши жараёни билан боғлиқ яна бир жиҳатга эътиборни қаратдилар. Шахс нафақат жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият таъсирида, балки мақсадга мувофиқ амалга оширилган тарбия ва маърифат натижасида ҳам такомиллаша боради. Бинобарин, маърифат тарқатиш орқали инсон шахсини юксалтириш, унга баркамоллик ато этиш, жамият манфаатлари сари йўналтириш мумкин. Мазкур назарий нуқтаи-назар шу даврда яшаган маърифатпарварлар (масалан, Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий, Завқий, Ҳамза), жадидлар (масалан, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний) ижоди ва фаолияти лейтмотивини ташкил қилди.

Таълим постмодерн жамият тенденцияларининг шахс маънавий қиёфасига салбий таъсирини камайтирувчи нақадар қудратли восита бўлса, тарбия ҳам айнан шундай аҳамиятга молик омилдир. Чунки унинг ёрдамида шахс ижтимоий моҳиятидан жой олган барча элементларни шакллантириш, ўзгартириш ва такомиллаштириш мумкин бўлади. Шунингдек, тарбия инсонни бутун умри давомида жамият манфаатлари, унинг таъсири доирасида сақлаб туриш имконини беради. Айнан шунинг учун ҳам барча замонларда унинг мазмуни ва моҳияти, шакллари ва йўналишлари муфассал тадқиқ қилинган, турли ғоялар, назариялар, тавсиялар илгари сурилган. Инсон шахсининг камол топишида аниқ мақсадга йўналтирилган тарбиянинг ўрни беқиёсдир. Тарбия инсон онги ва фаолиятига таъсир жараёни билан боғлиқлиги бизга маълум. Бироқ бу таъсир турфа субъектлар томонидан амалга оширилиши, турлича характерга эга бўлиши мумкин. Масалан, тарбиявий таъсир стихияли характерга эга бўлиши ёхуд аниқ мақсадга бўйсундирилган бўлиши мумкин. Айтайлик, ижтимоий муҳитнинг, унинг айрим элементларининг шахс онги ва фаолиятига таъсири аксарият ҳолларда стихияли характерда кечади. Ундан фарқли ўлароқ, мақсадга мувофиқ равишда йўлга қўйилган тарбиявий ишлар инсон эътиқоди, ижтимоий фазилатлари, ҳаётий мақсадлари, оқилона эҳтиёж ва манфаатларини қарор топтиришга йўналтирилади. Шу боисдан инсон онги ва фаолиятига мақсадга мувофиқ тарбиявий таъсирнигина шахсни шакллантирувчи субъектив омил сифатида эътироф этиш мумкин.

Мақсадга мувофиқ тарбиявий таъсир таълим жараёни каби узлуксиз характерга эга. У инсон умри мобайнида турли ижтимоий институтлар – оила, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, меҳнат жамоаси, жамоат ташкилотлари ва шу кабилар томонидан амалга оширилади. Ушбу узлуксиз тарбиявий таъсир ягона мақсадга бўйсундирилганида, ҳар бир субъект умумий мақсаднинг аниқ бир қисмини муфассал бажарганидагина мазкур субъектив омилнинг самараси баланд бўлади.

Замонавий жамиятда ахборот технологиялари ривожи, рақамли иқтисодиётнинг илдиз отаётгани, виртуал шахслараро муносабат шаклларининг пайдо бўлаётгани инсон турмушини янада

индивидуаллаштирмоқда. Бунинг устига, шахс онги ва фаолиятига таъсир кўрсатадиган янги ва янги омиллар пайдо бўлмоқда. Ушбу тенденциялар узлуксиз тарбия жараёни характерига, тарбия субъекти билан объекти ўртасидаги алоқалар табиатига ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда, албатта. Лекин ҳар қандай вазиятда ҳам мақсадга мувофиқ узлуксиз тарбиявий таъсир шахсни шакллантирувчи қудратли субъектив омил сифатида қолаверади.

Шахснинг шаклланиши жараёнига таъсир ўтказувчи муҳим субъектив омиллардан яна биттаси миллий ғоя тарғиботи билан боғлиқ. Шахс ҳаётий мақсади, фуқаролик позицияси, эътиқоди, қадриятлари билан унинг ижтимоий воқеликда содир бўлаётган жараёнларга муносабати ўртасида алоқадорлик мавжуд. У ижтимоий воқеа ва жараёнларга ўз мақсади ва эътиқоди, қадриятлари ва ҳаётий позициясидан келиб чиққан ҳолда баҳо беради. Миллий ғоя шахс таркибидан жой олган ушбу элементларга миллий руҳ ато этар экан, уни ижтимоий воқеаларга ҳам миллий манфаатлар нуқтаи назаридан ёнда-шишга одатлантиради. “Миллий ғоя ва мафкура илми таълим-тарбия муасса-саларида илм чўққиларини забт этаётган толиблар ва бошқа ходимлар учун жаҳонда ва мамлакатимизда ғоя ва мафкуралар соҳасида бўлаётган воқеалар-нинг моҳиятини тезда илғаб олишга имкон берувчи маънавий-маърифий кўрсаткич вазифасини ўтайди. Бу эса давлат ва нодавлат муассасалари ходимла-рининг кундалик амалий фаолиятидаги ҳар бир воқеани ғоявий-мафкуравий жиҳатдан тўғри баҳолай олишларига, миллий ғоя ва мафкура талабларига мос равишда ҳаракат қилишларига ёрдам беради” (Яхшиликов & Муҳаммадиев , 2015, стр. 33). Бинобарин, ҳар қандай жамиятда миллий ғоя тарғиботи оқилона ташкил этилгани, фуқаролар онгига самарали сингдириб борилгани сайин миллий манфаатларга мос дунёқарашга эга бўлган, унга хизмат қилишни мақсад қилган шахсни шакллантириш имкониятлари кенгайиб бораверади. Аксинча, миллий ғоя тарғиботи заифлашган жамиятда шахс ҳаётий мақсади, эътиқоди ва хулқ-атворини миллий манфаатларга бўйсундириш қийин кечади.

XX асрнинг охирларига келиб, жаҳонда, бир томондан, миллий маданият, миллий эҳтиёж ва манфаатларга путур етказадиган жараёнлар юзага кела бошлаган бўлса, иккинчи томондан, кишиларни ғайриинсоний мақсадларга йўналтиришни муддао қилган ғоя ва мафкуралар кўпайди. “Жумладан, бутун инсониятни ташвишга солаётган терроризм ва экстремизм каби бало-қазоларни бартараф этишда фақат уларнинг оқибатларига қарши курашиш билан чекланмасдан, биринчи навбатда бу таҳдидларни келтириб чиқараётган сабабларга қарши курашиш, ёшларни эзгу инсоний идеаллар руҳида камол топтириш энг асосий вазифага айланмоқда” (Мирзиёев , 2018, стр. 448). Бундай шароитда гуманизм ғояларига, миллий эҳтиёж ва манфаатларга содиқ инсон шахсини тарбиялаш муҳим ижтимоий аҳамиятга молик вазифага айланмоқда. Худди шунинг учун ҳам жаҳоннинг барча мамлакатларида миллий ғояни тарғиб қилиш тизими мазкур вазифа ижросига сафарбар қилинмоқда.

Шахсни шакллантиришнинг субъектив омиллари ҳақида гап кетганда ўз-ўзини тарбиялашдек муҳим омилни эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Чунки ўз-ўзини тарбиялаш инсон шахсини такомиллаштиришнинг энг аҳамиятли йўлларидан бири ҳисобланади. Инсон ўз борлиғини, фазилатлари ва хислатларини таҳлил қилиб боришга, ўзига ўзи ҳисоб беришга, хулқ-атворини назорат қилишга, ўз фаолияти натижаларини баҳолашга одатланмас экан, унинг шахс сифатида камол топиши жараёни секинлашади (Khatamov , 2020, pp. 72-75).

Шахснинг шаклланиши ва ўз-ўзини тарбиялаш жараёни ўзаро диалектик алоқадор (Мажитов, 2021, стр. 1081-1086). Бир томондан, ўз-ўзини тарбиялаш инсон шахсини такомиллаштирувчи, унинг таркибидан жой олган элементларни ривожлантирувчи омил ҳисобланади. Иккинчи томондан эса, инсон ўзини тарбиялашга бел боғлаши учун ўз ҳаётий мақсадларини чуқур англаши, унга астойдил интилиши, идеалларига эга бўлиши, танқидий тафаккурга мойил бўлиши лозим. Демак, инсоннинг ўзини тарбиялашга интилаётганига қараб унинг шахс сифатида шаклланганлиги даражасини аниқлаш мумкин.

Ўз-ўзини тарбиялашнинг ҳар қандай кўриниши ҳам инсонни шахс си-фатида такомиллаштиравермайди. Фақат жамият талабларига мос равишда амалга оширилган, инсонпарварлик ғояларига асосланган, инсонни эзгуликка, ўз маънавий қиёфасини юксалтиришга ундайдиган ўз-ўзини тарбиялаш кўринишигина шахсни камолотга етаклайди. Буни француз файласуфлари М.Монтень (Монтень, 1992, стр. 20-36) ва Р.Декарт (Декарт, 1989, стр. 33-52) айниқса ёрқин ифодалаб берадилар. Мутафаккирлар бу жараён аниқ мақсадга бўйсундирилиши даркорлигини, унинг муайян режа, тартиб ва тамойиллар асосида амалга оширилиши зарурлигини намойиш этадилар. Мақсадсиз, режасиз ва узлукли ҳолда олиб борилган ёки ғайриинсоний, ғайриижтимоий муддаоларда йўлга қўйилган ўзини тарбиялаш жараёни бирор бир салмоқли интиҳога олиб келиши мушкул. Бинобарин, инсон шахсини такомиллаштириш

учун нафақат узлуксиз таълим ва ижтимоий тарбия тизимидан самарали фойдаланиш, балки унинг ўзини ўзи тарбиялаши жараёнини ҳам оқилона, жамият манфаатларига мос ҳолда йўлга қўйиш зарур. Чунки А.Эркаев таъбири билан айтганда: "Ўз-ўзини тарбиялаш ўқиш, ўрганиш, юксак марраларга интилиш қаторида ўзини тафтиш қилиш, унинг ёрдамида шахсий нуқсонларни, камчиликларни камайтириб, бошқаларга манзур, ишда муваффақият келтирадиган жиҳатларни мустаҳкамлаб бориш билан боғлиқ" (Эркаев, 2018, стр. 345).

НАТИЖА

Объектив шарт-шароитлар ва субъектив омилларнинг оптимал даражадаги уйғунлашуви шахснинг ўзига хос типи – ривожланган инсон шахсининг қарор топишига замин ҳозирлайди. (Назарий адабиётларда уни турли терминлар билан ифодалашади. Бу борада илмий-тадқиқий ишлар олиб борган олимлар "гармоник ривожланган шахс" (Ахмедьянова & Кашапова, 2018, стр. 27-30), "ҳар томонлама ривожланган шахс" (Шарипов, 2017, стр. 631-633), баркамол инсон (Чориев & Чориев, 2005, стр. 40) каби ўнлаб жумлаларни ишлатадилар. Марказий Осиё мутафаккирлари асарларида "комил инсон" (Комилов, 2001, стр. 41) тушунчаси ҳам учрайди. Биз бунда бирор бир аҳамиятли тафовут кўрмадик).

Хусусан, мусулмон шахс – ижтимоий-тарихий тараққиёт, ижтимоий-тарихий фаолият маҳсули, ижтимоий муносабатлар субъекти ҳисобланиб, у тарих ва жамият маҳсули сифатида, таълим ва тарбия натижасида ижтимоий қиёфа касб этган. Унинг моҳияти ижтимоий муносабатлар бойлиги, ижтимоий фаолият кўлами ва ўзлаштирилган маданият ҳажми билан шаклланган. (Majitov, 2020, pp. 1541-1547)

Шахснинг ривожланганлиги даражасини эса жамиятнинг тараққий этганлиги даражасига, инсоният томонидан йиғилган тажрибанинг меъёри ва мазмунига, ижтимоий муносабатлар характерига, инсон ва жамият ўртасидаги алоқаларга қараб аниқланади.

МУҲОКАМА

Ривожланган шахснинг икки асосий белгиси мавжуд. Биринчидан, у ўзи фаолият кўрсатаётган соҳага доир билимлар, тажрибалар ва ҳоказоларни юксак тарзда ўзлаштирган бўлади, яъни ўз мутахассислигини ниҳоятда чуқур билади. Шунингдек, ривожланган шахс ўз мутахассислигига яқин фан ва касбларни ҳам яхши тушунади, яъни илмий-техникавий ютуқлардан хабардор бўлади ва ушбу ютуқларга асосланган ҳолда ўз фаолиятини маълум вазифаларни бажаришга қаратади. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, шахс ривожланганлиги даражасини кўрсатувчи асосий мезон – инсон қобилиятлари ва имкониятларининг намоён бўлишидир. Мулоҳазаларимиздан хулоса шуки, ўз фуқароларига қобилият ва имкониятларини намоён қилишга шарт-шароит яратган жамиятгина ривожланган шахс камолоти учун замин яратган бўлади.

Иккинчидан, шахс фаолиятининг турлари ҳам унинг қай даражада ривожланганлигидан далолат беради. Масалан, ўз даврининг етук инсонлари-дан бири бўлган Абу Райҳон Беруний астраномия, физика, математика, география, геология, минерология, тарих бобида тенги йўқ асарлар қолдирган. Абу Али ибн Сино эса буюк ҳаким бўлиши билан бир қаторда ажойиб шоир, табиатшунос, мантиқшунос олим ҳам эди. Мисолларни бизнинг давримизда ижод қилган, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатган кишилар ҳаётидан ҳам келтирса бўлади.

Биз, албатта, замондошларимиз фаолиятини буюк бобоколонларимиз фаолияти билан қиёслаш фикридан йироқмиз. Бундай қиёслаш тарихийлик принципига мутлақо зид эканлигини яхши тушунамиз. Бироқ инсоният цивилизациясининг шахс ижтимоий қиёфасига беқиёс таъсири айнан ана шу аспектда яққол намоён бўлаётганини айтиб ўтмай иложимиз йўқ. Бугунги кунда ҳам фаолиятнинг биргина тури билан чекланиш, биргина касбни ўзлаштириш билан чекланиб бўлмайди. Бундай ёндашув инсон шахсининг тўлақонли намоён бўлишига, унинг истеъдод ва қобилиятларининг рўёбга чиқишига халал беради.

Шахс ўз қобилият ва истеъдодини эҳтиёж ва манфаатларига мутаносиб равишда намоён қилишга интилади. Шахснинг ўзлиги эса бир эмас, ўзаро турдош бўлган бир неча фаолият тури зуҳур бўлади. Шахснинг ривожланганлиги даражасини кўрсатувчи мезонлар ҳақида фикр юритганда ана шу икки хулосани диққат марказида сақлаш керак. Бинобарин, шахс қобилиятларининг намоён бўлиши, у шуғулланаётган фаолият турлари – унинг ривожланганлиги даражасини кўрсатувчи асосий мезонлардир.

ТАҲЛИЛ

Ривожланган шахсни шакллантириш учун унинг фаолияти жамият томонидан мувофиқлаштириб борилмоғи даркор. Жамият шахс онги фаолиятига турли ижтимоий институтлар орқали таъсир ўтказади. Бунда турли ижтимоий регуляторлар, хусусан қатор ижтимоий норма ва принциплар қўлланадики, улар жамият ва шахс ўртасидаги ўзаро муносабатлар характерини аниқлаб

беради. Жамиятнинг шахс онги ва фаолиятини мувофиқлаштиришга хизмат қиладиган ушбу нормалари институционал характерга эга. Улардан ташқари ноинституционал нормалар ҳам мавжуд. Уларнинг шахсга таъсирини онгли равишда бошқариб ёҳуд мувофиқлаштириб бўлмайди. Бу нормалар табиатини чуқурроқ англаб етиш учун шахс фаолиятини ижтимоий мувофиқлаштириш функцияларига эътибор бермоқ зарур.

Бундай функциялар иккита. Улардан бири кишилар эҳтиёж ва манфаатларини келиштиришдан, иккинчиси эса ўз табиатига кўра ижтимоий аҳамиятга эга бўлган эҳтиёж ва манфаатларни шакллантиришдан иборат. Ижтимоий мувофиқлаштиришнинг ушбу икки асосий функцияси ўзаро диалектик алоқадор бўлиб, кишилар онги ва фаолиятини йўналтиришда бири иккинчисини тўлдириб боради, бироқ ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши билан уларнинг характери ҳам ўзгаради.

Шахс таркиби ниҳоятда мураккаб бўлгани туфайли унинг ривожланиши ҳам ниҳоятда кўпвариантли бўлиши табиий. Чунончи, шахс таркибидаги маълум элемент бошқалари билан бирга ривожланган бўлиши ёки бошқаларнинг эвазига ривожланиши ҳам мумкин. Ақлан ривожланган бўлишига қарамасдан ҳис-туйғулари яхши тараққий этмаган ёки ҳис-туйғулари юксак даражада ривожланган бўлсада, ақли “ўтмас”, мантиқан фикрлашда нўноқ шахс-ларни кўплаб учратамиз. Ҳатто баъзи фазилатлари ҳайратланарли даражада ривожланган бўлишига қарамасдан бошқа хислат ёки фазилатлари эндигина шаклланаётган кишилар ҳам учраб туради. Буларнинг барчаси шахс ривожи нақадар мураккаб жараён эканлигидан далолат беради. Шунинг учун шахснинг гармоник ривожланишини таъминлаш барча замонларда долзарб масалалардан бири бўлиб келган.

ХУЛОСА

Хулоса қиладиган бўлсак, инсон шахси унинг бутун умри давомида шаклланиб ва ривожланиб боради. Бу жараён инсон шахси шаклланишининг муҳим детерминантлари - объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар таъсири остида содир бўлади. Объектив шарт-шароитлар инсон онги ва фаолиятининг асосий мазмуни ва чегараларини белгилаб берса, субъектив омил-лар унинг шахс сифатида такомиллашиб боришига имкон яратади. Инсон шахсининг шаклланиши жараёнига энг салмоқли таъсир кўрсатадиган объек-тив шарт-шароит вазифасини ижтимоий муҳит, унинг иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маиший, маданий-маънавий асоси ўтайди. Субъектив омиллар туркумига эса бир мақсадга йўналтирилган таълим ва тарбия, миллий ғоя, ўз-ўзини тарбиялаш жараёни киради. Объектив шарт-шароитлар ва субъектив омилларнинг оптимал даражадаги уйғунлашуви ривожланган инсон шахсининг қарор топишига замин ҳозирлайди.

Бундай ёндашув бугунги кунда шахс табиатида содир бўлган ва бўлаётган ўзгаришларни объектив ва системали тадқиқ этиш имконини яратади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Majitov M. A. (2020). Some views of islamic religion and muslim scholars on the phenomenon of human-personality. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal(10(5)), 1541-1547.
2. Арипова М. (2014). Шахснинг жамиятда ўз ўрнини топишда оила тарбиясининг таъсири. замонавий таълим, 55-60.
3. Ахмедьянова А., & Кашапова Л. (2018). Гармонично развитая личность как объект исследования систем гуманитарных наук. Азимут научных исследований: педагогика и психология, 27-30.
4. Декарт Р. (1989). Рассуждения о методе, чтобы хороша направлять свой разум и отыскивать истину в науках// Сочинения в 2-х томах. Москва: Мысл.
5. Комилов Н. (2001). Комил инсон - миллат келажаги. Тошкент: Ўзбекистон.
6. Комиссаренко С. (2013). Формирование личности. Концепции, институты, технологии. Москва: Петрополис.
7. Мажитов М. (2021). Китобхонлик - шахсни ўз-ўзини тарбиялаш жараёнининг муҳим омилларидан бири. Scientific progress, 2(1), 1081-1086.
8. Махмудова А. (2021). Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати. Замонавий фуқаролик жамиятида шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви (ижтимоий-фалсафий таҳлил). Самарқанд: Самарқанд давлат чет тиллар институти.
9. Мирзиёев Ш. М. (2018). Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Тошкент: Ўзбекистон.
10. Монтень М. (1992). Опыти//Избранные произведения в 3-х томах. Москва: Голос.
11. Сабирова Н. (2011). Государство и личность в гражданском обществе. власть, 124.
12. Степин В., & Семигин Г. (2010). Новая философская энциклопедия. В 4-томах. Москва: Мысл.
13. Суванов И. (2018). Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати. Шахс маънавиятини юксалтиришда миллий ғоя ва ўзликни англаш диалектикаси. Тошкент: Ўзбекистон Миллий Университети.
14. Тўйчиева Ҳ. (2010). Шахс ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий таълим. Тошкент: Муҳаррир.
15. Умарова Н. (2018). Психология фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати. Шахс иқтисодий ижтимоийлашувига таъсир этувчи

ижтимоий-психологик омиллар. Тошкент: Тошкент давлат педагогика университети.
16. Чориев А. (2002). Инсон фалсафаси (иккинчи китоб) Мустақил шахс. Тошкент: CHINOR ENK.
17. Чориев А. (2007). Инсон фалсафаси. Инсон тўғрисидаги фалсафий фикрлар тараққиёти. Биринчи китоб. Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти.
18. Чориев А., & Чориев С. (2005). Инсонпарвар, демократик жамият мафкураси ва баркамол инсон шахсини шакллантириш. Тошкент: Чўлпон.
19. Чориев С. (2004). Сиёсий етук шахс. Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти.
20. Шарипов И. (2017). Гармоничная личность - один из приоритетов национальной идеи Узбекистана. Молодой ученый, 631-633.
21. Шермуҳаммедова Н. (2016). Инсон фалсафаси(матн). Тошкент: Ношир.
22. Khatamov Tokhir Abdumutalovich. Public education in Uzbekistan history of formation and development International Journal of Social Science And Human Research ISSN(print): 2644-0679, ISSN(online): 2644-0695 Volume 03 Issue 07 July 2020 Page: 72-75. http://ijsshr.in/v3i7/2.php
23. Эркаев А. (2018). Маънавиятшунослик, 2-китоб(матн), Маънавият методологияси ва праксиологияси. Тошкент: Маънавият.
24. Яхшиликов Ж., & Муҳаммадиев Н. (2015). Миллий ғоя ва мафкура. Тошкент: Фан.
25. Tuychieva, H. (2020). LEGAL EDUCATION-SPECIFIC ASPECTS OF EDUCATION. In АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОВРЕМЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ (pp. 41-44).
26. Qaxxarova, M., & Tuychieva, H. (2019). Spiritual-moral environment and its basic indicators. The Light of Islam, 2019(4), 24.

REFERENCES:

1. Majitov M. A. (2020). Some views of islamic religion and muslim scholars on the phenomenon of human-personality. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal(10(5)), 1541-1547.
2. Aripova M. (2014). Shaxsning jamiyatda o‘z o‘rnini topishda oila tarbiyasining ta’siri. zamonaviy ta’lim, 55-60.
3. Axmedyanova A., & Kashapova L. (2018). Garmonichno razvitaya lichnost kak ob’ekt issledovaniya sistem gumanitarnыx nauk. Azimut nauchnыx issledovaniy: pedagogika i psixologiya, 27-30.
4. Dekart R. (1989). Rassujdeniya o metode, chtobы xorosha napravlyat svoy razum i otыskivat istinu v naukax// Sochineniya v 2-x tomax. Moskva: Mыsl.
5. Komilov N. (2001). Komil inson - millat kelajagi. Toshkent: O‘zbekiston.
6. Komissarenko S. (2013). Formirovanie lichnosti. Konsepsii, instituты, texnologii. Moskva: Petropolis.
7. Majitov M. (2021). Kitobxonlik - shaxsni o‘z-o‘zini tarbiyalash jarayonining muhim omillaridan biri. Scientific progress, 2(1), 1081-1086.
8. Maxmudova A. (2021). Falsafa fanlari bo‘yicha falsafa doktori dissertatsiyasi avtoreferati. Zamonaviy fuqarolik jamiyatida shaxsning huquqiy ijtimoiylashuvi (ijtimoiy-falsafiy tahlil). Samarqand: Samarqand davlat chet tillar instituti.
9. Mirziyoev Sh. M. (2018). Xalqimizning roziligi bizning faoliyatimizga berilgan eng oliy bahodir. Toshkent: O‘zbekiston.
10. Monten M. (1992). Opыti//Izbrannыe proizvedeniya v 3-x tomax. Moskva: Golos.
11. Sabirova N. (2011). Gosudarstvo i lichnost v grajdanskom obщestve. vlast, 124.
12. Stepin V., & Semigin G. (2010). Novaya filosofskaya ensiklopediya. V 4-tomax. Moskva: Mыsl.
13. Suvanov I. (2018). Falsafa fanlari bo‘yicha falsafa doktori dissertatsiyasi avtoreferati. Shaxs ma’naviyatini yuksaltirishda milliy g‘oya va o‘zlikni anglash dialektikasi. Toshkent: O‘zbekiston Milliy Universiteti.
14. To‘ychieva H. (2010). Shaxs huquqiy ongi va huquqiy ta’lim. Toshkent: Muharrir.
15. Umarova N. (2018). Psixologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori dissertatsiyasi avtoreferati. Shaxs iqtisodiy ijtimoiylashuviga ta’sir etuvchi ijtimoiy-psixologik omillar. Toshkent: Toshkent davlat pedagogika universiteti.
16. Choriev A. (2002). Inson falsafasi (ikkinchi kitob) Mustaqil shaxs. Toshkent: CHINOR ENK.
17. Choriev A. (2007). Inson falsafasi. Inson to‘g‘risidagi falsafiy fikrlar taraqqiyoti. Birinchi kitob. Toshkent: O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati.
18. Choriev A., & Choriev, S. (2005). Insonparvar, demokratik jamiyat mafkurasi va barkamol inson shaxsini shakllantirish. Toshkent: Cho‘lpon.
19. Choriev S. (2004). Siyosiy yetuk shaxs. Toshkent: O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati.
20. Sharipov I. (2017). Garmonichnaya lichnost - odin iz prioritetov natsionalnoy idei Uzbekistana. Molodoy uchenыy, 631-633.
21. Shermuhammedova N. (2016). Inson falsafasi(matn). Toshkent: Noshir.
22. Khatamov Tokhir Abdumutalovich. Public education in Uzbekistan history of formation and development International Journal of Social Science And Human Research ISSN(print): 2644-0679, ISSN(online): 2644-0695 Volume 03 Issue 07 July 2020 Page: 72-75. http://ijsshr.in/v3i7/2.php
23. Erkaev A. (2018). Ma’naviyatshunoslik, 2-kitob(matn), Ma’naviyat metodologiyasi va praksiologiyasi. Toshkent: Ma’naviyat.
24. Yaxshilikov J., & Muhammadiev N. (2015). Milliy g‘oya va mafkura. Toshkent: Fan.
25. Tuychieva, H. (2020). LEGAL EDUCATION-SPECIFIC ASPECTS OF EDUCATION. In АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОВРЕМЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ (pp. 41-44).
26. Qaxxarova, M., & Tuychieva, H. (2019). Spiritual-moral environment and its basic indicators. The Light of Islam, 2019(4), 24.